АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ЧОРАЛАР ТАҲЛИЛИ

Муаллиф: Бекмирзаев Обиджон Нуралиевич [1]
Аффилиация: Халқаро нордик университети [1]
DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.17360258

АННОТАЦИЯ

Мақолада ахборот хавфсизлиги соҳасида компьютер жиноятчилиги тушунчаси, унинг турлари ҳамда миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлари таҳлил қилинган. Компьютер жиноятларининг жамият ва ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказиш хавфи, уларнинг ижтимоий хавфлилиги ва олдини олиш чоралари кўриб чиқилган. Шунингдек, рақамли криминалистика турлари, компьютер жиноятларини аниқлаш ва текширишда қўлланиладиган усуллар ҳамда Ўзбекистон қонунчилик базасининг ўрни ёритилган.

Ключевые слова: Ахборот хавфсизлиги, компьютер жиноятчилиги, кибержиноят, рақамли криминалистика, ҳуқуқий меъёрлар, ахборот тизими, криптографик ҳимоя, миллий қонунчилик, халқаро конвенсия.

КИРИШ

Ушбу мақолада ахборот хавфсизлигида компьютер жиноятчилиги ва ахборот тизимларининг маълумотларни ҳимоялаш зарурати, шунингдек, халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрлари таҳлил этилади.

Компьютер жиноятчилиги (кибер жиноят) – бугунги кундаги ахборот технологияларининг энг юқори имконият ва усулларидан фойдаланиб муайян бир жиноятни содир этган ҳолда ташкилотга моддий ёки маънавий зарар етқазиш мумкин бўлган жиноий қонунбузарликдир.

Компьютер жиноятчилиги тўғрисидаги Конвенсия тўрт турдаги ҳуқуқбузарликни фарқлайди [1]:

- компьютер тизимлари ва маълумотларининг конфиденциаллиги, яхлитлиги ва фойдаланувчанлигига қарши жиноятлар;
- компьютер билан боғлиқ жиноятлар;
- таркибий қисми билан боғлиқ жиноятлар;
- мулк ҳуқуқларига боғлиқ жиноятлар.

Ушбу жараёнларни ўрганиш ва олдини олиш учун ахборот хавфсизлиги йўналиши кўриб чиқади. Ўтган давр ичида компьютер техникаси ва бошқа электрон ускуналар ёрдамида жиноятлар сони, нақд пул кўринишдаги ўғирликларидан анча даражада кўпайган. Компьютер жиноятларни содир этишда юқори даражали технологияли фойдаланишга асосланган, яъни юқори технологиялар қўлланиладиган жиноятларга асосланган ҳолда кўплаб қурилмалар қўлланилади. Бухгалтерия ҳужжатларини қайта ишлаш, тўловларни амалга ошириш ва бошқа операцияларни автоматлаштирилган компьютер тизимларидан фойдаланувчи ташкилот ва корхоналар жиноятчиларнинг

қурбонларига айланмоқда. Кўпинча жиноятчиларнинг мақсадлари банклардир. Мамлакатнинг қонун чиқарувчиси томонидан ахборотни қабул қилиш, узатиш ва тўплашнинг техник воситаларини рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Рақамли криминалистикани уч турга ажратиш мумкин (1-расм):

Компьютер криминалистикаси ахборотларни қайта тиклаш учун махсус усуллардан фойдаланишни, компьютер жиноятлари билан боғлиқ электрон маълумотлар таҳлили ва ҳақиқийликни текширишни талаб этади. Унда меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан компьютер тадқиқотлари, ахборот технологиялари ва бошқа техник масалалар бирлаштирилади.

Ахборот тизимларида компьютер жиноятчилиги ҳужумларни аниқлаш, таҳлиллаш ва текширишда рақамли криминалистиканинг биринчи туридан фойдаланган ҳолда асослаб бериш мумкин.

Компьютер технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг кўпайиши, уларнинг юқори даражадаги ижтимоий хавфлилиги мазкур жиноятлардан муҳофаза қилиш чораларини (аввало компьютер технологияларининг ўзини қўриқлаш орқали) ишлаб чиқишни тақозо этди. Тадқиқотчи олимларнинг такитлашича, бундай муҳофаза воситаларининг 60 % ҳуқуқий воситаларга, 20 % криптографик ва 20 % дастурий, аппаратга оид ҳамда бошқа жисмоний, ташкилий воситаларга тўғри келади [2].



1-расм. Рақамли криминалистикани турлари

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги қонуни ҳамда 2003 йил 11 декабридаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бўйича қонун ҳужжатларининг асосини ташкил этади [4]. Ушбу меъёрий ҳужжутларда

жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган кўплаб ҳуқуқий ва техникавий терминларга таърифлар берилган. Компьютер жиноятчилигига қарши курашиш фақат техник воситалар томонидан эмас балки меъёрий ҳужжутлар билан биргаликда қўлланилиши ахборот тизимларига қаратилган бузғунчиликнинг олдини олади.

1-жадвал

Компьютер жиноятчилиги хавфсизлиги соҳасидаги хорижий ва миллий меъёрий ҳужжатлар

Мамлакатлар	Меъёрий ҳужжатлар
Россия Федерацияси	Россия федерацияси жиноят кодекси 28-боб. Компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятлар кўра «272-модда. Компютер маълумотларига ноқонуний кириш, 273-модда. Зарарли компьютер дастурларини яратиш, улардан фойдаланиш ва тарқатиш ва 274-модда. Компьютер ахбороти ва ахборот-телекоммуникация тармоқларини сақлаш, қайта ишлаш ёки узатиш воситаларининг ишлаш қоидаларини бузиш»
Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексининг XX[1] боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар кўра «278[2]-модда. Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, 278[4]-модда. Компьютер ахборотини модификация-лаштириш». Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг объекти нимадан иборат, деган масала ҳанузгача баҳсли бўлиб келмоқда. Жумладан, юридик адабиётларда ушбу турдаги жиноятларнинг объекти ва предмети хусусида ҳар хил фикрлар бор. Масалан, В. В. Криловнинг фикирича ушбу жиноятларнинг объектини ЭҲМ маълумотлари ташкил қилади, деб ҳисоблайди. Л. Чичко олимнинг тадқиқот ишларида объект деганда ЭҲМ ахбороти ва В.Б. Вехов олимнинг фикирича машина ахборотини тушунишни таъкидлаган [3]. Ахборот жиноят объекти бўлиши мумкин деган қараш тарафдорлари фикрича ахборот, шу жумладан, компьютер ахбороти жамият учун яратилган қулайликдир, шу сабабли улар ноқонуний йўқ қилинганида ёки модификациялаштирилганида зарар кўрилиши айни ҳақиқатдир.

Бугунги кунда анъанавий жиноятчиликга кўра компьютер жиноятчилиги ортиши эҳтимоллиги жуда юқори, чунки барча давлатларнинг молиявий пул айланмалари электрон шаклда, жумладан Республикамизда ҳам. Пандимия даврида онлайн электрон тўловларга бўлган эҳтиёж ахборот тизимларида компьютер жиноятчилигининг оришига олиб келади. Шунинг учун компьютер криминалистикаси йўналишида тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масала. Ўзбекистон Республикаси Призедентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини ривожлантириш, бу борада кенг кўламли илмий изланишлар олиб бориш долзарб масала бўлиб турибди.

Юқорида ахборот хавфсизлигида компьютер жиноятчилигига қарши курашишда рақамли криминалистикани қўллаш соҳалари ва компьютер жиноятларини аниқлашда криминалистикани долзарблиги, шунингдек, хорижий ва миллий ҳуқуқий меъёрларнинг тўлиқ тадбиқи асосида ахборот тизимларининг хавфсизликни таъминлаш борасидаги ечимлари таҳлил этилди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ахборот технологиялари ривожи билан бирга компьютер жиноятчилиги ҳам ортиб бормоқда. Бу ҳолат ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳам техник, ҳам ҳуқуқий ёндашувларни уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади. Компьютер жиноятларига қарши курашишда рақамли криминалистика усулларидан фойдаланиш ва миллий ҳамда халқаро ҳуқуқий меъёрларни самарали татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Умумий таклиф сифатида, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, компьютер жиноятларини олдини олиш ва уларга қарши самарали курашиш учун рақамли криминалистика имкониятларини кенгроқ қўллаш зарур. Шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш ва жамоатчилик орасида ахборот хавфсизлиги маданиятини юксалтириш муҳим вазифа бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Nuralievich, B. O., & Boltaevich, M. B. (2021, November). Method of Detection and Elimination of Tracks of Attacks in the Information System. In 2021 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT) (pp. 1-2). IEEE.
2. Nuralievich, B. O., Boltaevich, M. B., & Ugli, B. U. B. (2022, September). The Procedure for Forming a List of Sources of Attack in the Information System. In 2022 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT) (pp. 1-4). IEEE.
3. Bekmirzaev O., Shirinov B. An Algorithm for Viewing Node State Events Under Attack for Information Systems // AIP Conference Proceedings., 2024, 3147(1), 050003. DOI: 10.1063/5.0210404
4. Bekmirzaev O., Samarov H. A Method of Evaluating the Effectiveness of Information System Protection // AIP Conference Proceedings., 2024, 3147(1), 050004. DOI: 10.1063/5.0210405
5. Muminov, B., & Bekmirzaev, O. (2022). Structure and algorithms of online discussion information system. Scientific Collection «InterConf», (114), 373-384.
6. Мўминов, Б., & Бекмирзаев, О. (2022). Построение узлов о событиях под влиянием атаки в информационной системе. Scientific Collection «InterConf», (114), 388-396.
7. Bekmurodov, O. (2023). Ахборот тизимларида ҳужум манбалари рўйхатини шакллантириш процедураси. Digital Transformation and Artificial Intelligence, 1(3), 129-136.
8. Samarov, H. K., & Bekmirzayev, O. N. (2023). Masofaviy oʻqitish tizimlarida mavjud risklar va ularni minimallashtirish istiqbollari. Research and Education, 2(4), 146-155.

9. Bekmirzayeva, M. (2024). Vizuallashtirish tizimlarida yomg‘ir va qor muammolarini tasvirga dastlabgi ishlov berish yordamida bartaraf etish. Digital Transformation and Artificial Intelligence, 2(1), 120-124.
10. Bekmirzayev, O., & Sabirov, X. (2023). “Kompyuter arxitekturasi” fanini o ‘qitish samaradorligini oshirishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarning interfaol usullaridan foydalanish. Science and Innovation, 2 (Special Issue 14), 549-551.
11. Muminov, B., Bekmirzaev, O., & Al-Khwarizmi, M. (2022). Classification and analysis of network attacks in the category of “denial of service” information system. central asian journal of education and computer sciences (CAJECS), 1, 7-15.
12. Бекмирзаев О., Турсунов Ж. Алгоритмы системы одностороннего межсетевого взаимодействия и система обнаружения вторжений //Digital Transformation and Artificial Intelligence. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 135-145.
13. Axmedova, N., & Bekmirzaev, O. (2022). Analysis of methods of fighting against network attacks of the “denial of service” category on information systems. central asian journal of education and computer sciences (CAJECS), 1, 5.
14. Bekmirzayev, O., & Muminov, B. (2024). The Role and Application of Artificial Intelligence in Identifying Threats to Information Systems. DTAI–2024, 1(DTAI), 85-90.
15. Bekmirzayev, O. (2024). Algorithm for Constructing and Configuring Parameters of a Model for Searching for Traces of Attacks in an Information System. DTAI–2024, 1(DTAI), 171-174.
16. Bekmurodov, O., Usmanbayev, D., & Eshonqulov, N. Z. (2024). Kompyuter tarmoqlarini ddos hujumlaridan himoya qiluvchi dasturiy vositalarning qiyosiy tahlili. Digital Transformation and Artificial Intelligence, 2(2), 46-50.
17. Bekmirzayev, O., & Kumushbibi, G. U. (2024). Korxona tizimlarda ma’lumotlarni saqlash va uzatishda foydalanuvchi maxfiyligi. Digital Transformation and Artificial Intelligence, 2(6), 207-213.
18. Bekmirzayev, O. N., & Bekmirzayeva, M. S. (2016). Recognize faces by the selecting degree of security. In Информатика: проблемы, методология, технологии (pp. 3-7).
19. Ташев, К. А., & Бекмирзаев, О. Н. (2015). К вопросу анализа проблем информационной безопасности. In Информатика: проблемы, методология, технологии (pp. 211-214).
20. Турапов, У. У., & Бекмирзаев, О. Н. (2015). Системный подход при обеспечении информационной безопасности в информационно-библиотечных сетях. In Информатика: проблемы, методология, технологии (pp. 219-224).
21. Beknazarova, S., & Bekmirzaeva, M. (2024). Analysis of Filters for Processing Video Images. DTAI–2024, 1(DTAI), 224-227.
22. Safibullaevna, B. S., Qizi, J. M. K., Shaimardanova, B. M., & Erkinovna, A. M. (2020). Adaptive Method For Eliminating Noise Of Image. The American Journal of Engineering and Technology, 2(12), 59-66.

23. Islomov, S. Z., Bekmirzayev, O. N., Shodmonova, X., & Karimov, A. A. (2017). Threats and protection ways of mobile networks. In Информатика: проблемы, методология, технологии (pp. 213-216).
24. Bekmirzayeva M., Norqulova Z., Bekmirzayev O. Yomg‘ir izlarini olib tashlash algoritmlari tahlili //DIGITAL TRANSFORMATION AND ARTIFICIAL INTELLIGENCE. – 2025. – T. 3. – №. 3. – C. 26-32.
25. Bekmirzaev O., Gulomova K., Mukhamadiev S. Research on New Trends and Development Prospects of Enterprise Resource Planning (ERP) Systems //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – T. 5. – №. 03. – C. 50-54.